

“БОБУРНОМА” АСАРИДА АБЖАД ҲИСОБИ**Amanulla Muratkulov****Guliston davlat universiteti Filologiya fakulteti****O‘zbek tilshunosligi kafedrası o‘qituvchisi****Mamaraximov Sirojiddin Murtazayevich****Guliston davlat universiteti Filologiya fakulteti****O‘zbek tilshunosligi kafedrası o‘qituvchisi****Latipov Murotali Mannopovich****Guliston davlat universiteti Filologiya fakulteti****O‘zbek tilshunosligi kafedrası dotsenti****<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227310>**

Annotatsiya. Она ер ўз ўқи атрофида айланаверади. Қуёш чиқади, ботади, чиқади, ботади. Бу қонуният. Инсон туғилади, яшайди, оламдан кўз юмади...

Ер ўз ўқи атрофида бир маромда айланар экан, хаёт ҳам бир текисда кечаверади...

Қуёш остидаги ҳеч бир нарса абадий эмас. Туғилиш бор экан, ўлим ҳам муқаррардир. Бу ёруғ дунёни Парвардигор шундай қонуният ила яратган.

Ривоят қилишларича, Жаброил алайхиссалом Хазрати Нухдан сўрабдилар: «дунё хақида қандай хулосага келдинг»

Нух алайхиссалом дебдилар: «Икки эшикли уйга ўхшайди: биридан кирдим иккинчисидан чиқдим».

Мана шу икки эшик орасидаги ёруғ олам аталмиш инсон яшаш билан баробар ўзидан аввал ўтганларнинг хаёти, қилган ишларидан ибрат олади, уларнинг яхши томонларини ўзидан кейинги авлодларга сабоқ килиб колдиради.

Одамзот фахрланиш, маънавий меросхўрлик туйғуси билангина эмас, ўзидан нималарнидир қолдириш иштиёқи билан яшайди. Тимсоли маънолар билан айтганда, ҳар бир инсон хаёт занжирларига бир бўлиб қўшилгиси келади. Бусиз хаётнинг маъноси ҳеч. Дархақиқат, Бобур Мирзога Оллох таоло мана шундай эзгу амалларни ато этган, мустажоб қилган эди. Орадан неча-неча асрлар ўтса-да, чархнинг кажрафтори айланаверса-да, унинг умримни мангуликка дахлдор, меросини келажакка мушарраф этди. Унинг фаолияти ва ижодиёти халқ ва ватанга, инсоният ва маърифатга хизмат қилишнинг ажойиб бир намунасидир. Бобур ўзаро юруш ва урушларни бартараф этиш учун, мамлакатнинг обод бўлиши ва халқнинг осойишталиги учун фидокорлик билан курашди, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлик ва раҳбарлик қилди. Ўзбек тили ва адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди, илм-фаннинг турли сохаларига оид нодир асарлар яратди.

Бобур нафақат ўзбек адабиётининг балки жаҳон адабиётининг улуг намояндаларидан биридир. У ўлмас асарлари билан жуда кўп халқларга манзур бўлиб, уларнинг мумтоз санъаткорлари қаторидан ўрин олди ва бадиий адабиёт тараққиётига самарали таъсир этди.

Бобур Мирзо ўрта асрнинг зиддиятли хаёт тўлкинига дуч келди, мураккаб муҳит унинг дунёқарашида айрим жиддий зиддиятларни вужудга келтирди. Бироқ, у халқ ва ватан учун инсон ва унинг бахти саодати учун кураш йўлидан чекинмади, инсонпарвар ва маърифатпавварликнинг оташин жарчиси сифатида ижод қилди, қачон бўлмасин инсониятни зулм-зўрликларидан, жанггу жадаллар ситамларидан халос бўлишига, адолат ва маърифат барибир тантана қилишига комил ишонч билан қаради.

Бобур меросининг жaxon адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаши, асарларининг бу қадар муваффақият қозониши ,аввало асарларининг ахамиятли ва афзалликларига эга, мукамал ва қулай, содда «тил» да яратилганлиги бўлса,яна бир жихати Бобурнинг характер хусусиятларида инсоний фазилатларнинг мужассамлиги, унинг севишга, хурмат қилишга муносиб бетакрор сифатларидир.

Бобур характерига хос хусусиятлардан бири унинг билимдонлигидир. У араб ҳисобларидан Абжад ҳисобини мукамал билган.

Бобур характерига хос хусусиятларни тарихчи олим Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи Мирзо Мухаммад Хайдар Бобурни: «сон-саноксиз яхши фазилатларга эга эди, довюрақлик ва валоматликда хамманинг орасида ажралиб турарди», -деб тасвирлаган. Дархақиқат, Бобур ижодини мутолаа қилган киши Бобурнинг мардлиги, ишонувчанлиги, кенг қалбли, беғубор табиатли, самимий хислатларга бой, Нэру таъбири билан айтганда, «дилбар шахс...» лигининг гувоҳи бўлади.

АБЖАД ҲИСОБИ

Сон тушунчасини ҳарфлар билан ифода етишга абжад ҳисоби дейилади.

Одатда, жамият ҳаётида содир бўлган буюк воқеалар – уруш, исён, кўзғолонлар рўй берган вақт, иншоатлар, тарихий обидаларнинг қурилган вақти, машҳур шахсларнинг туғилган йиллари, шунингдек, асарларнинг ёзилган ва кўчирилган вақтлари абжад ҳисоби билан берилган. Абжад ҳисобининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир ҳарф муайян бир рақамни ифода етади.

ابجد	هوز	حطى	كلمن	سغفص	قرشت	ثخذ	ضظغ
абжад	ҳавваз	Ҳутти	каламан	Саъфас	қарашат	саххоз	зазог`

Абжад ҳисобидаги ҳарфларнинг сон қиймати

А	ا	1	К	ك	20	Р	ر	200
Б	ب	2	Л	ل	30	Ш	ش	300
Ж	ج	3	М	م	40	Т	ت	400
Д	د	4	Н	ن	50	С	ث	500
Ҳ	ه	5	С	س	60	х	خ	600
В	و	6	Аъ	ع	70	З	ز	700
З	ز	7	Ф	ف	80	ДЗ	ض	800
Ҳ	ح	8	С	ص	90	Зо	ظ	900
Т	ط	9	Қ	ق	100	Ғ	غ	1000
И	ى	10						

Бобур “Бобурнома”сида кўп ўриндаги воқзаларнинг абжад ҳисобини келтиради. Масалан

фавтининг тарихи “фавт шуд Нуён” *فوت شد نويان* топилди. “Бобурнома”дан 89 бет.

$50+1+10+6+50+4+300+400+6+80 = 907$ ҳижрий.

Бу ариқнинг тарихи “Жўйи хуш” *جوى خوش* топилди

خوش *جوى*
 $300+6+600$ $10+6+3 = 925$ ҳижрий.

... Қобулнинг аркида Хумоюн мутаваллид бўлди. Тарихи вилоятини Мавлоно Сайидий шоир “Султон Хумоюнхон” топиб эди, Қобул шоирчаларидан биров, “шоҳи Феруз қадр” топиб еди, уч-то`рт кундин сўнг Хумоюн исми била мавсум бўлди.

قدر *فروز* *شاه*
 $200+4+100+7+6+200+80+10+5+1+300 = 913$ ҳижрий

... Темурбек Самарқанднинг ҳукуматини Жаҳонгир Мирзоға бериб эди, Жаҳонгир Мирзонинг фавтидин сўнг, улуғ ўғли Муҳаммад Султонни Жаҳонгирга берди. Шохруҳ Мирзо жам сув Мовароуннаҳр вилоятини улуғ ўғли Улуғбек Мирзодин ўғли Абдулатиф Мирзо олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди: Улуғбек Мирзонинг фавтининг тарихи мавре бақо бўлбтур. Назм:

Улуғбек баҳри улуму хирад,
 Ки дунёву динро азў буд пушт,
 Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,
 Шудаш ҳарфи таърих Аббос кушт.

Маъноси: Илм ва ақл денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббос кўлидан шаҳидлик болини татиди “Аббос кушт” қарулларих ўлим тарихи бўлди.

كشت *عباس*
 $400+300+20+60+1+2+70 = 853$ ҳижрий (1449-1450) “Бобурнома”дан 48-бет.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Абжад ҳисобини ўрганиш бизга мумтоз адабиётимизни, тарихимизни пухта билишга катта ёрдам беради. Бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Келажакда Абжад ҳисобининг дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга татбиқ қилиш мақсадимиз бор.

Foydalanilgan adabiyotlar/Используемая литература/References:

1. Abdullayevna, D. L., Tursunkulovich, M. A., & Shoxistaxon, X. (2024). ARAB YOZUVIDAGI HARFLARNING SHE'RIYATDAGI JILOSI. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(3), 8-11.
2. Мураткулов, А. Т. (2023). ОРГАНИЗОВАТЬ УРОКИ РОДНОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE ON" MODERN EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS* (Vol. 2, No. 7).
3. Мураткулов, А. Т., & Мураткулова, М. А. (2023). ОБРАЗ ЛУКМАН ХАКИМА В «КИСАС УЛЬ-АНБИЯ». In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE ON" MODERN*

EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS (Vol. 2, No. 7).

4. O'G, R. Z. S. I., Tursunkulovich, M. A., & Qizi, E. F. B. (2024). TA'LIMDA RASMIY ISH QOG'OZLARINING AHAMIYATI. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(3), 22-25.
5. Muratkulov, A. (2024). O 'ZBEK TILIDA ARABCHA KO 'PLIK SHAKLLARINING QO'LLANILISHI. *TAMADDUN NURI JURNALI*, 5(56), 174-176.
6. Tursunkulovna, S. I., Lutfiniso, D., & Omonullo, M. (2020). Imitation of Thoughts and Feelings–Artistic Means of Psychology. *Solid State Technology*, 63(4), 453-457.
7. Sirojiddin, M. (2023). O'ZBEK TILIDA MAQSAD MA'NOSI SO'ZLAR ORQALI IFODALANISHI. *Journal of Universal Science Research*, 1(5), 20-25.
8. Ixtiyor, E., Axrorov, A., & Mamaraximov, S. (2024). TERMINOLOGIYADA GIPERO-GIPONIMIK HODISALAR. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(3), 12-15.
9. Boxodirovich, E. N., & Murtazaevich, M. S. (2022). Phonological approaches to the study of the phoneme.
10. Fazilat, E., Lutfinisa, D., & Sirojiddin, M. (2024). OZBEK SAHNA ASARLARI TILINING AYRIM JIHATLARI SHARHI. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(3), 16-21.
11. Rizaqulovich, E. I., Murtozayevich, M. S., & Qizi, N. O. A. (2024). OTNING XUSUSIY LUG 'AVIY SHAKLLARI HAQIDA. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(3), 26-29.
12. Mamaraximov, S. (2022). MAQSAD MA'NOSINI IFODALOVCHI DASTLABKI VOSITALAR. *Academic research in educational sciences*, 3(7), 376-385.
13. Latipov, M. (2024). O 'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA IS'HOQXON IBRAT ILMIY-IJODIY MEROSINING O 'RGANILISHI HAQIDA. *TAMADDUN NURI JURNALI*, 9(60).
14. Kholbekova, M., & Tuychiyeva, Z. Articles and expressions in Hamid Olimjon's works. In *Current issues of Uzbek linguistics. Republican scientific-theoretical conference materials* (Vol. 3).
15. Туйчиева, З. Х. (2022). ПРОЯВЛЕНИЕ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ МОТИВОВ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 1(4), 244-248.
16. Tuychieva, Z. (2019). PRINCIPLES OF DIFFERENTIATING OF GENDERS IN UZBEK ANTHROPOLOGY. *Bulletin of Gulistan State University*, 2020(1), 75-82.
17. Khamrokulovna, T. Z. (2018). Literature revealing the truth of life. *Проблемы педагогики*, (7 (39)), 77-78.
18. Khamrokulovna, T. Z. (2021). ISSUES RELATED TO SOSIOLINGVISTIK ANALYSIS (ABOUT Qul-, -qul-COMPONENT NAMES). In *INTERNATIONAL CONFERENCE ON MULTIDISCIPLINARY RESEARCH AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES* (Vol. 1, pp. 48-50).
19. Tuychieva, Z. K. (2018). LITERATURE REVEALING THE TRUTH OF LIFE. *Проблемы педагогики*, (7), 77-78.
20. Djurayev, M. E., & Qozoqboyeva, D. H. (2025). BEKOBOD SHAMOLINI GEOGRAFIK BAHOLASH. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 2(3), 402-405.